

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИ ТАРБИЯВИЙ СОАТЛАРДА ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Абдуманнотов (СамДУ доценти),
Д.Мардиева (СамДУ магистранти)

Мақолада Алишер Навоийнинг маънавий-маърифий мероси миллий маънавиятимизнинг улкан бир бойлиги ҳисобланади. Ушбу меросдан узлуксиз таълим тизимида, шу жумладан, бошланғич синф ўқувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантиришда фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири эканлиги ҳақида мулоҳаза юритилган.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси юрагимизга Навоийнинг асарлари билан кириб келишини бежизга таъкидлагани йўқ. Чунки юртбошимиз айтиб ўтганидек бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Бошланғич синф ўқувчиларида мутафаккирнинг инсонпарварлик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг мазмуни, шакл ва методлари, йўллари хилма-хилдир. Шу ўринда синф тарбиявий соатларнинг ўрнини таъкидлаш ўринлидир. Маълумки, синф тарбиявий соатларида мактаб шароитида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий шаклларида бири. Синф тарбиявий соатлари қуйидаги маърифий, баҳолаш, йўналтирувчи каби уч асосий таркибий қисмларни ташкил этади. Маърифий-таркибий қисмда ўқув дастурлардан ташқари ўқувчиларнинг этика, эстетика, руҳий тушунчаларини, фан-техника, халқ хўжалиги, дунё воқеалари соҳасидаги мавжуд билимларни бойитиб, кенгайтириб боришдан иборат ишлар амалга оширилади.

Баҳоловчи таркибий қисмда ўқувчиларда атроф-муҳитга муайян муносабатда бўлиш, ундаги моддий ва маънавий билимларнинг баҳоси аҳамияти, кадр-қиммати, меҳнат кишилари, ватанимизнинг, халқимизнинг шон-шавкати тўғрисидаги тегишли тушунчаларни шакллантириш билан боғлиқ сифатлар рўёбга чиқарилади.

Йўналтирувчи таркибий қисмда ўқувчиларнинг мавжуд ҳаёт ҳақидаги билим ва тушунчалари тўғри ва мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, уларнинг ҳаётий тажрибаси, ахлоқи, келажакдаги ҳаёт йўлини тўғри танлашдек ҳаётий фаолиятлари ва унда тутган мавқелари фаоллаштирилади ва бошқариб борилади.

Синф тарбиявий соатлари кириш, асосий қисм, бадий қисм ва якуний қисмлардан иборат бўлади.

Албатта синф тарбиявий соатларининг асосий мазмунини аниқлаш, ташкилий жиҳозлаш ишлари, синф тарбиявий соатларини туркумлаш,

шакллантиришни режалаштириш синф раҳбаридан муайян билим, савия, тажриба ва ташкилотчилик хусусиятларини талаб қилади. Синф тарбиявий соатларининг режалари ўқув йили бошида тасдиқланади ва ҳафтанинг маълум бир кунда дарсдан ташқари вақтда ўтказилди. Қуйида биз 2-синф ўқувчилари билан ўтказилган “Сўз таърифида” мавзусидаги тарбиявий соатда Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиб қуйидаги тарбиявий соат ишланмасини тайёрладик.

2 «А» - синф

Мавзу: Сўз таърифида

Мақсад: Сўзнинг аҳамияти ва ундан тўғри фойдаланишнинг заруриятини ўқувчилар онгига сингдириш ва уларни ёлғон сўзламасликка ўргатиш.

Машғулотнинг жиҳозланиши:

А) Плакат ва кўргазмалар. Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзларидан намуналар.

Б) Алишер Навоий сўз санъаткори

С) Ўқув-техника воситалари, проектор.

Д) Дидактик материаллар. Алишер Навоийнинг рангли расми, “Ҳайрат ул-аброр” достони, “Яхши сўз жон озиғи, Ёмон сўз бош қозиғи”, “Ўйламай айтилган сўз, бошга келтирар ташвишиш”, “Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт”, “Тилга эътиборсиз, элга эътиборсиз”, “Сўзда, Навоий не десак, чин дегил” каби ҳикматли сўзлардан намуналар.

Машғулотнинг бориши:

I. Кириш

А) Сўз таърифида. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида “Сўз таърифида” ва “Сўзнинг маъноси унинг жонидир” кааби мақолатларида ўз ифодасини топганлигини ўқитувчи таъкидлайди.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра буюк рус шоири Пушкин ўз асарларида 21.197 та бетакрор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 минг, Сервантес 18 мингга яқин, Алишер Навоий эса 1 млн 378 минг 660 та бетакрор сўз ишлатган. Бу унинг буюк истеъдод соҳиби эканлигидан далолат беради.

Алишер Навоийнинг сўз билан одамни алдаш, сўз билан ёлғонни ҳақиқатга айлантиришга уриниш миллат манфаатлари учун катта зиён эканлигини навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул бекорга айтмаган.

Ўқитувчи сўз гавҳарининг шарафи шунчалар юксакки, гавҳардек қимматбаҳо, бойлик ҳам унга садаф бўла олмайди. Сўзда жон бўлиб, рух унинг қолипидир. Инсон номининг гавҳари бу сўздир. Кимнинг гапида маъно гавҳари бўлса, ўша одам сўз дарёсининг ғаввосидир. Маъно машъали кимнинг юзини ёритса, файзли жилва этиш ўшанга насиб бўлади, дейди бобомиз “Ҳайрат ул-аброр” достонида. Ёлғон сўзлаш, ноўрин сўзни айтиш ёмон фазилат эканлигини ўқитувчи мисоллар ёрдамида тушунтиради.

I. Асосий қисм.

Ўқитувчи - ҳазрат Навоий инсонни улуғлар экан унинг бошқа мавжудодлардан фарқи, имтиёзи сўзда эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам инсондан бошқа зот сўзлаш имкониятига эмас.

*Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.*

Сўз оламни яратиш воситаси бўлганлигини, бошқача айтганда дунё сўздан яралганлиги тўғрисидаги ривоятни айтади. Сўз шунчалик қудратли экан ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Инсоннинг кимлиги унинг сўз орқали билинади. Навоий бобомиз таъкидлаганидек, кимнинг дили, юзи, кўзи, сўзи пок бўлса, ўша одам пок бўлади. Шунинг учун сўзнинг қудратидан ҳар биримиз тўғри ва ўринли фойдаланишимиз лозим.

Ўқитувчи: Сўз тўғрисида қандай ҳалқ мақолларини, ибратли сўзларини биласизлар? Бу ҳақида Навоий бобомизнинг фикрларидан мисоллар келтирсанглар.

1-ўқувчи. “Яхши сўз билан илон индан чиқар, ёмон сўз билан пичок киндан чиқар”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир”, “Ўйламай гапирган оғримай ўлар”, “Тўғри сўз тошни ёрар”.

2-ўқувчи. Ҳозиргина айтдингиз Навоий бобомиз асарларида сўз тўғрисида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган экан. Бу айtilган фикрлар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мустақиллигимизни мустаҳкамлайдиган болалар тўғри сўз бўлишлари кераклигини уқдим. Эсимга бобом айтган бир сўз тушди. Бобом дунё тўғрилиқдан яралган деб айтган эдилар.

3-ўқувчи. Мен бугунги машғулотдан тўғри талаффуз қилишимиз кераклигини, ёлғон гапирмаслик лозимлигини, сўзларни пала-партиш ишлатмаслик, ота-онам, ўқитувчиларим, синфдошларим ва бошқа кишилар билан суҳбатда, муомала қилишда сўзга эътибор бериш кераклигини тушундим.

4-ўқувчи. Радио эшиттиришларнинг бирида “Ерни сув бузади, инсонни сўз (гап) бузади” деган эшитганим хаёлимга келди. Демак, сўзимизнинг тош-тарозуси, ўлчови, мезони бўлиши кераклигини англадим.

III. Бадий қисм.

А) Ашула “Яхши бола” ўқувчилар жамоаси ижро этади.

Б) Алишер Навоийнинг сўз тўғрисидаги фикрларидан намуналар ўқиш.

С) Рақс “Андижон полькаси”.

IV. Яқуний қисм. Машғулот ўқувчиларнинг синф раҳбари бошчилигида Навоий бобомизнинг “Сўз таърифида”ги мисраларни айтиш билан яқунланади ва навбатдаги мавзу эълон қилинади.

*А. Абдуманнотов, Д. Мардиева. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик
ғояларини тарбиявий соатларда ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. //*

“Кексаларни эъзозлаш йили”га бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси (2015 йил 29-апрель). Самарқанд, 2015. 86-89 бетлар.